

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:  
№ БД – 5220100- 4.01  
2018 йил “18” 08



**ХОРИЖИЙ ОАВ**

**ФАН ДАСТУРИ**

**Билим соҳаси:** 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ  
**Таълим соҳаси:** 220000 – Журналистика ва ахборот  
**Таълим йўналиши:** 5220100 –Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” августдаги 744-сонли буйруғининг 6-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

- Нурматов А.** – ЎзДЖТУ, халқаро журналистика факультети, Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси доценти, филология фанлари номзоди.
- Умарова Д.** – ЎзДЖТУ, халқаро журналистика факультети, Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси ўқитувчиси

**Такризчилар:**

- Ҳамдамов Ю.** – ЎзМУ, “Аудиовизуал ва Интернет журналистика” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди
- Дадахонов А.** – ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчиси.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” июндаги “6” - сонли баённома).

## **I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни**

“Хорижий ОАВ” фани бўйича ўқув курсини ўқитилишининг аҳамияти ва долзарблиги журналистика соҳасида таълим олаётган талабаларга жаҳоннинг бир қатор машҳур мамлакатларида журналистика тизимининг ҳозирги кундаги аҳволи, жамиятдаги ўрни ҳамда йирик ОАВ тўғрисида билим беришдир. Мазкур фаннинг мундарижаси кенг қамровли бўлиб, у ўз таркибига хорижий ОАВ ривожланишининг умумий тамойиллари, АҚШ ва Европа мамлакатлари журналистикаси, Осиё мамлакатлари журналистикасининг ўзига хосликлари, тараққиёт тенденциялари, хорижий ОАВ таркибидаги миқдорий ва сифатий ўзгариш, янгиланишларни қамраб олади.

## **II. Ўқув фанининг мақсади ва вазифаси**

**Фанни ўқитишдан мақсад** – бу курснинг асосий мақсади журналистика факультети талабаларини Америка, Европа ва Осиё қитъаларининг журналистика соҳасида кенг тараққий этган мамлакатлари ОАВ ва улар фаолиятидаги ўзига хос хусусиятлар, мавзу ва ташкилий тамойиллари билан таништиришдан иборат.

**Фаннинг вазифаси** – ушбу мақсадга эришиш бир қатор вазифаларни бажариш орқали амалга оширилади. Бундай вазифалар таркибига қуйидагилар киради:

- Ривожланган хорижий мамлакатлар ривожланишининг умумий тамойиллари ҳақида билим бериш;
- Америка, Европа ва Осиё қитъаларининг ривожланган мамлакатларида журналистиканинг тарихий тараққиётининг ўзига хос қонуниятлари ҳақида маълумот бериш;
- Талабаларда мустақил хорижий мамлакатлар журналистикаси ва ОАВ фаолиятига эркин баҳо бериш ва бу борада етарли кўникмалар ҳосил қилиш;
- Онлайн журналистиканинг спецификаси ва ривожланган мамлакатлар онлайн журналистикасининг тараққиёт тенденциялари ҳақида маълумот бериш;
- Журналистикада муайян бир мамлакат, миллатнинг миллий дунёқараши, маданиятининг намоён бўлиш шакллари ва уларнинг соҳа тараққиётига таъсири;
- Америка, Европа ва Осиё қитъаларининг ривожланган глобал трансмиллий корпорациялари фаолияти ва уларнинг давлат, халқаро журналистика тараққиётига таъсири хусусида маълумот бериш. Ушбу фанни ўзлаштирганидан сўнг

### ***Талаба:***

- замонавий хорижий ОАВнинг пайдо бўлиши;
- замонавий хорижий ОАВнинг ривожланиш қонуниятлари;
- замонавий хорижий ОАВнинг моделлари;
- замонавий хорижий ОАВнинг тизими ва унинг таркибий қисмлари;
- замонавий АҚШ ва Европа мамлакатлари ОАВ тизими ва улар фаолиятининг ўзига хосликлари;

- АҚШ ва Европада журналистиканинг янги кўринишлари;
  - замонавий Осиё мамлакатлари ОАВ тизими ва улар фаолиятининг ўзига хосликлари;
  - Ҳиндистонда кўпмиллатли нашрлар тизими;
  - Ўрта Осиё мамлакатлари журналистикаси тизими ва улар тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари;
  - замонавий хорижий ОАВнинг фаолият усуллари;
  - замонавий хорижий ОАВнинг муаммолари ***тасаввурга эга бўлиши***;
  - хорижий ОАВ ривожланишининг умумий тамойиллари: глобаллашув, тижорийлашув, конвергенция ва монополлашувнинг шакллариб ютуқ ва камчиликларини;
  - замонавий хорижий ОАВ ўрганадиган муаммоларини;
  - ахборий жамият назариялари ҳақида дастлабки тушунчаларни;
  - журналистиканинг тўртинчи ҳокимият сифатидаги вазифалари, ютуқлари ва камчиликларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши***;
  - халқаро журналистика назарий муаммоларини тушуниш ва таҳлил қила олиш;
  - халқаро журналистика муаммоларини амалий жиҳатдан ўрганиш ва матнларни таҳлил қила олиш;
  - халқаро журналистика моделларига тавсиф бера олиш;
  - халқаро журналистика майдонида фаоллик кўрсатаётган мамлакатлар сиёсатини таҳлил қила олиш;
  - халқаро журналистика соҳасидаги тамойилларни таҳлил қила билиш;
  - халқаро журналистика ва мафкура муносабатларини таҳлил қила олиш
  - хорижий тадқиқотчилар, илғор газета, журналлар, жаҳон ахборот агентликлари, теле- ва радио, интернет каналларининг назарий ва амалий иш тажрибалари билан танишиш
- кўникмаларига эга бўлиши керак.***

### **III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)**

#### **1-модуль. Хорижий ОАВ ривожланишининг умумий тамойиллари, АҚШ ва Европа мамлакатлари журналистикаси**

##### **1-мавзу. Журналистика атамасининг маънолари эволюцияси.**

##### **Халқаро журналистиканинг пайдо бўлишига сабаб бўлган омиллар ва тамойиллар**

“Журналистика” атамасининг пайдо бўлиши. Журналистика маъноларининг тараққиёти. “Журналистика” атамасининг замонавий босқичда беш хил маънода қўлланилиши.

Журналистика тўртинчи ҳокимият сифатида. Тўртинчи ҳокимиятнинг ижтимоий фикр ҳокимияти эканлиги.

Журналистика, масс медиа, оммавий коммуникация, коммуникация воситалари тушунчаларининг ўзаро маънодошлиги ва улар мазмунидаги бўёқлар.

Хорижий журналистика, халқаро журналистика ва жаҳон журналистикаси атамалари, улар мазмунидаги ўхшашлик ва тафовутлар.

Халқаро журналистика тараққиётининг жадаллашувига тўртки бўлган муҳим омиллар, мазкур омилларнинг халқаро журналистика аҳамиятини очиқ беришдаги роли.

Ривожланган мамлакатлар журналистикаси учун хос асосий тамойилларнинг вужудга келганлиги. ОАВ чиқишлари ва дастурларидаги муҳим мавзулар ва муаммолар, матбуот бошқарувининг марказлаштирилиши масалалари. Йирик концернларнинг мавжудлиги, бозор иқтисодиёти шароитида шаклланган жаҳон ахборот бозори ва дунёнинг йирик ОАВлари ўртасида ўзаро аудитория ва таъсир доирасини кенгайтириш учун кураш. ОАВларининг экспорти ва импорти масалалари. Аксар ривожланган Европа давлатларида фаолият кўрсатаётган матбуот кенгашлари ва улар ишлаш механизми, кенгашлар фаолиятининг самарадорлиги.

## **2-мавзу. Халқаро миқёсда ОАВ глобаллашуви тамойили**

Глобаллашув тушунчаси. Оммавий ахборот воситалари глобаллашуви. Ахборот алмашинуви глобаллашган жамиятни олимлар томонидан турлича номлангани.

Халқаро журналистика глобаллашувининг сабаблари. ОАВ бошқарилишида замонавий усуллардан фойдаланиш. Технологик ахборот ва коммуникация жараёнларини компьютерлаштириш. Дунёдаги барча мамлакатларни бир-бирига яқинлаштириш, замонавий турмуш стандартларини ўзлаштириш.

Журналистика глобаллашувининг асосий белгилари. Турли мамлакатлар журналистикаси бир-бирига ўхшаб қолиши. ОАВ рақобатлашуви. Цензура ва давлат чегараларининг йўқолиши. Ахборот билан ишлаш соҳасида мутахассислар тайёрланиши ғарб андозалари асосида амалга оширилиши.

Йирик мегакомпанияларнинг ташкил этилиши. Журналистика глобаллашувининг ижобий ва салбий оқибатлари.

## **3-мавзу. ОАВнинг тижорийлашуви тамойили**

Бозор иқтисодиётининг асосий қонунияти ҳар бир соҳа маблағ жиҳатидан ўзини ўзи қоплаши кераклиги. Газеталарнинг ўзини-ўзи бошқариши 1830-1840 йиллардан бошланганлиги. Тижорийлашув ўзини-ўзи молиявий жиҳатдан қоплаш эканлиги. Жаҳон журналистикаси тижорийлашувининг умумий қоидалари. Журналистика ва реклама муносабатлари. Тижорийлашув шароитида таҳририят тактикаси. ОАВ тижорийлашувининг оқибатлари. ОАВ тижорийлашувининг ижобий ва салбий оқибатлари.

## **4-мавзу. Хорижий журналистикада ОАВ монополлашуви ва марказлашуви тамойили**

Монополлашув ҳақида тушунча. Кўплаб ривожланган мамлакатларда газета ва журналларнинг катта қисми нашриёт концернлари, газета трестлари ва бошқа монополистлар қўлида жамлангани. АҚШ ва Россияда ОАВ



моноплашувининг кўринишлари. Моноплашув ва марказлашувнинг радио ва телеканаллар фаолиятида намоён бўлиши. Франция ва Германиядаги йирик ОАВ концернларининг вужудга келганлиги. ОАВ монополияларининг юзага келтирувчи омиллар.

Моноплашув ва марказлашувнинг салбий оқибатлари ва келажаги.

### **5-мавзу. Хорижий ОАВ ихтисослашуви тамойили**

ОАВ ихтисослашуви тушунчаси. ОАВ ихтисослашувининг умумий қонуниятлари. Ахборот даврида маълум бир тор соҳа билан шуғулланадиган жамиятдаги қатламлари кескин кўпайиши. Ҳар бир қатлам вакиллари ўз касби бўйича замонавий маълумотларга эга бўлишлари учун ихтисослашган ОАВга катта эҳтиёж сезиши.

Ихтисослашув шакллари ва турлари. Франция, Россия каби хорижий давлатларда журналлар ихтисослашувининг кучлиги. Журналистларнинг ихтисослашуви муаммоси.

Бугунги кунда аудиториянинг бўлиниши. Ихтисослашув ахборотнинг локал (маҳаллий)лашувига ҳам таъсир этаётганлиги.

### **6-мавзу. ОАВ конвергенциялашуви тамойили**

Конвергенциялашув тушунчасининг тавсифи. ОАВ турларида конвергенциялашувнинг намоён бўлиш шакллари. Ахборот даврида ОАВ эволюциясининг умумий кўриниши. ОАВ универсаллашуви ва уларнинг янги турларининг пайдо бўлиши. Интернет ва ахборот жамияти маданияти.

Мобиль телефонларининг кескин ривожланиши коммуникациялар жараёнида янги даврни бошлаб берганлиги. Бугунги кундада анъанавий ОАВлар тизими билан бир қаторда шахсий коммуникациянинг янги турларининг ҳам пайдо бўлганлиги.

Бугунги ахборот жамиятни ривожлантириш ва демократлаштириш учун асосий усулга айланганлиги. Интернетнинг 24 соат очик ўқиш имкониятига эга бўлган ўқув залига айланганлиги.

### **7-мавзу. “АҚШ ва Европа мамлакатлари журналистикаси” фанининг ўрганиш объекти, мақсад ва вазифалари**

“АҚШ ва Европа журналистикаси” фани бўйича ўқув курси ўқитилишининг долзарблиги ва аҳамияти.

Халқаро журналистика тараққиётининг жадаллашувига тўртки бўлган муҳим омиллар, мазкур омилларнинг халқаро журналистика аҳамиятини очиб беришдаги роли. Халқаро журналистика бугунги кунда давлатлараро ва минтақалараро жараёнлар ва муносабатларда кучли таъсирга эгалиги, унинг дипломатия билан алоқаси ҳамда мазкур фанлар орасидаги фарқлар.

Курснинг асосий мақсад ва вазифалари талабаларни жаҳоннинг журналистика соҳасида ривожланган мамлакатлар ОАВлари ҳамда улар фаолиятидаги ўзига хос хусусиятлари билан таништиришдан иборат эканлиги. Дунё журналистикаси тарихи ва босқичларининг ОАВ ва матбуот техник воситаларининг ривожланиб бориши билан боғлиқ эканлиги, ахборот тўплаш

ва тарқатишнинг дастлаб сиёсий ва тижорий мақсадларда амалга оширилганлиги, даврлар ўтиб бундай мақсадлар доирасининг кенгайиши.

Журналистика тарихий тараққиётининг муҳим босқичлари, XX асрда халқаро журналистика «икки қутб» ўртасида ўзига хос қурол бўлганлиги, собиқ тузумнинг парчаланиши ва «Совуқ уруш»нинг барҳам топиши халқаро журналистиканинг ҳам мазмун-моҳиятини кескин ўзгартириб юборганлиги, ҳозирги кунда дунё мамлакатларида журналистиканинг катта куч ва таъсирга эга эканлиги.

## **8-мавзу. Замоनावий босқичда дунё ривожланган мамлакатлари журналистикаси тизими**

Жаҳоннинг энг тараққий этган давлатларига умумий тавсиф, иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг асосан Европада жойлашганлиги, иқтисодий тараққиёт журналистика соҳасига ҳам янги иқтисодий муносабат ва қарашларни олиб кирганлиги. XX аср тарихидаги техник ихтиролар ОАВлари соҳасининг ҳам техник воситалар жиҳатидан, ҳам ОАВ чиқишлари, дастурлари сифатининг такомиллашуви жиҳатидан муҳим роль ўйнагани. ОАВнинг янги турлари. хусусан телевидениенинг янги турлари ва улар ўртасидаги фарқлар, Интернет ва ОАВларининг янги кўринишларининг пайдо бўлиши.

## **9-мавзу. АҚШ журналистикаси**

Мамлакатга қисқача географик ва иқтисодий тавсиф, АҚШнинг жаҳондаги юксак тараққий этган давлатлардан бири эканлиги.

АҚШ замоनावий журналистикасига умумий тавсиф, давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни. Дунё миқёсида энг эркин ва демократик матбуотни шакллантириш йўлидаги ҳаракатлар, сўз эркинлиги ва фуқаролар дахлсиз ҳуқуқларининг кафолатланганлиги. АҚШда ОАВ фаолиятини назорат қилиш масалалари.

АҚШ матбуоти. АҚШ матбуоти тарихига қисқача тавсиф. АҚШда матбуот нашрларининг бугунги манзараси. «New York Times», «Washington Post», «USA Today», «Cristian Science Monitor», «TV guide», «National Geographic» каби етакчи оммабоп газета ва журналларга тавсиф.

Радио ва телевидение. АҚШ радио ва телевидениесининг қисқача тарихи, АҚШда «FM» радиостанциялар, ТВ ва радиодастурларнинг хилма-хил характерда эканлиги. Мамлакатнинг етакчи «NBC», «ABC», «CBS» телеканаллари фаолияти, АҚШда кабель телевидениелар ва «CNN» фаолияти. АҚШ телевидениеси ва радиосининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва таъсир кўламининг кенглиги.

АҚШ ахборот агентликлари. АҚШ ахборот агентликларининг дунё ахборотлар бозорида етакчи мавқени эгаллаши. «Associated Press», «United Press International» ахборот агентликлари фаолияти.

Мамлакатда интернет технологиялари ва онлайн журналистика тараққиёти. Ондайн ОАВ фаолиятининг ўзига хосликлари.

## **10-мавзу. Буюк Британия журналистикаси**

Мамлакатга қисқача географик, иқтисодий тавсиф. Буюк Британия журналистикасининг мамлакат ҳаётидаги ўрни, давлат миқёсида журналистик фаолиятни тартибга солувчи ва эркинлаштирувчи низомлар, кодекслар, ахлоқий меъёрлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар, матбуот кенгашлари.

Буюк Британия матбуоти. Мамлакат матбуоти тарихига қисқача тавсиф. Ҳозирги кунда мамлакатда чиқадиган матбуот нашрларига умумий баҳо ва уларни тасниф қилиш. «Financial Times», «The Sun», «The Guardian», «Daily Mirror» каби машҳур газеталар. «The Economist», «The Geographical», «The Week», «New Statesman», «New Scientist» сингари журналлар фаолияти, уларнинг мавзу кўлами, кўп ададлиги. матбуот нашрлари ўртасида ихтисослашувнинг кучлилиги.

Радио ва телевидение. Радио Буюк Британияда кенг тарқалган ОАВ тури эканлиги. BBC ва унинг бешта миллий тармоқлари фаолияти. BBC жаҳон хизмати. Мамлакатдаги мустақил миллий «Classic FM» ва «Virgin 1215» радиоканаллари, маҳаллий тижорий рақамли радиоканаллар.

Буюк Британиянинг BBC, ITV тармоқ, 4-канал ва S4C, 5-каналлар фаолияти, рақамли, кабель ва интерактив телехизматлар.

Ахборот агентликлари ва интернет хизматлари. Рейтер ахборот агентлиги - жаҳоннинг етакчи агентликларидан бири. «Press Association» ички ахборотни тўплаш ва тарқатишга ихтисослашган агентлик эканлиги. Мамлакатда интернет ва ундан фойдаланишнинг оммавийлиги ва интернет хизматлари.

## **11-мавзу. Германия журналистикаси**

Германиянинг географик жойлашуви, иқтисодиёти, унинг ҳозирги кунда жаҳондаги ривожланган давлатлардан бири эканлиги.

Германияда ОАВ фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асослари. Давлатда сўз, матбуот ва ахборот эркинлигининг конституциявий кафолатланганлиги. Журналистлар ва ОАВнинг жамиятда эгаллаган ўрни. Матбуот кенгаши ва унинг фаолияти. Журналистика соҳасида қабул қилинган касбий стандартлар, ҳуқуқий ҳужжатлар ва ахлоқий меъёрлар.

Германия матбуоти. Мамлакат журналистикаси тарихига қисқача тавсиф. Замонавий ГФР матбуоти учун характерли хусусиятлар. Хусусийлик, кўпададлик, аксар кундалик газеталарнинг худудий нашр тури эканлиги, журналлар турининг кўплиги, газета ва журналларнинг ихтисослашуви, мавзу ва бошқа жиҳатлар таснифи. Мамлакатнинг машҳур «Зюддойче цайтунг», «Франкфуртер альгемайне», «Вельт» каби кундалик газеталари, «Цайт», «Вохе», «Парламент», «Шпигель» сингари ҳафталик газета ва журналларига тавсиф. Германияда матбуот нашрларини чоп этишга ихтисослашган йирик концернлар.

Радио ва телевидение. Мамлакатда радио ва телевидениенинг кишилар ҳаётидаги ўрни. 1950 йилларда барча маҳаллий телерадиокомпанияларнинг ГФР оммавий ҳуқуқий телерадиокомпаниялар меҳнат ҳамжамиятига (АРД) бирлашганлиги. «Немис тўлкини» ва «Дойчландфунк» - икки йирик



телерадиокомпаниялар эшиттириш ва кўрсатувларининг кенгқамровлиги, бутун мамлакат бўйлаб тарқалиши.

Германияда хусусий радио ва телевидениелар сонининг кўп эканлиги. САТ1, РТЛ ва ПРО7 хусусий телерадиокомпаниялари фаолиятига тавсиф. «Радио ФФН», «РСХ Радио Шлезвиг-Гольштейн», «Атенне Байерн» ва бошқа хусусий радиоканаллар.

Ахборот агентликлари. Ахборот агентликларининг мамлакат ОАВлари учун етакчи ахборот манбалари эканлиги. «Дойче Прессе агентур» (ДПА) Германиядаги энг йирик ахборот агентлиги эканлиги. Давлат органлари ва хусусий фирмаларнинг ўз матбуот хизматларига эга эканликлари.

## **12-мавзу. Франция журналистикаси**

Мамлакатга қисқача географик ва иқтисодий тавсиф. Франция ҳукумати ва халқи ҳаётида журналистиканинг муҳим ўрин тутиши, сўз ва матбуот эркинлигининг ҳуқуқий кафолатлари. Ҳозирги кун Франция ОАВларининг умумий манзараси.

Франция матбуоти. Франция матбуоти тарихи ҳақида қисқача маълумот. Замонавий француз газеталарининг жамиятдаги аҳамияти, характери, мавзу ва йўналишлари жиҳатидан Франция матбуотини таснифлаш.

Франция матбуотини молиявий-иқтисодий назорат қилиб турувчи монопол гуруҳлар. АШЕТТ, Р. Эрсан гуруҳи, Пресс Де Ла Сите, СЕР-Коммуникасьон, Экспансьон, Байар-пресс фаолияти, улар ўртасида кучли рақобатнинг мавжуд эканлиги.

Радио ва телевидение. Францияда ҳам давлат, ҳам хусусий радиостанцияларнинг мавжудлиги. Франс-Энтер, Франс кюлтюр, Франс-мюзик ва Радио блё давлат радиоэшиттиришларининг миллий дастурларни олиб бориши ва бутун мамлакат бўйлаб тарқалиши. Маҳаллий давлат радиостанцияларининг ҳам мавжудлиги. Радио Франс интернасьональ Франциянинг халқаро радиоси эканлиги, унинг халқаро радиохизматлар орасидаги мавқеи.

Францияда телевидениенинг кенг тараққий этганлиги, давлат ва нодавлат телекомпаниялар сонининг кўплиги, улар ўртасидаги рақобат ва ўзаро меҳнат тақсимооти.

Ахборот агентликлари. Франция ахборот агентликлари ҳақида маълумот. Франс Пресс ахборот агентлиги жаҳондаги етакчи ахборот агентликларидан бири эканлиги.

## **13-мавзу. Россия журналистикаси**

Мамлакатга қисқача географик ва иқтисодий тавсиф бериш, Россиянинг жаҳондаги ҳудуди жиҳатидан энг катта давлатлардан бири эканлиги.

Россияда сўз ва матбуот эркинлигининг кафолатлари, журналистлар фаолиятини ҳимоялаш масалалари.

Россия матбуоти. Россия матбуотининг мураккаб тизимли объект эканлиги. Матбуотнинг таркибий тузилиши ва унинг турли характери нуқтаи назаридан таснифи. Россиянинг энг кўзга кўринган нашрларига тавсиф.

Радио ва телевидение. Россияда давлат ва нодавлат радиостанцияларнинг мавжудлиги. Давлат радиостанциялари фаолияти. Нодавлат радиоканаллар, улар сонининг кўплиги ва фаолиятидаги ўзига хосликлар.

1992 йилдан бошлаб телевидение соҳасида мулкчилик шаклларининг ўзгариб кетганлиги. Ҳозирги кунда ҳар хил мулкка қарашли телеканалларнинг мавжудлиги, улар дастурларининг хилма-хиллиги ва ўзаро рақобат масалалари.

Россия ахборот агентликлари. РИА «Новости», Интерфакс ва Постфактум сингари ахборот агентликларининг мамлакат ахборот бозорида тутган ўрни, улар фаолиятига тавсиф.

Мамлакатда интернет технологиялари ва онлайн журналистика тараққиёти. Ондайн ОАВ фаолиятининг ўзига хосликлари.

## **2-модуль. Осиё мамлакатлари журналистикаси**

### **1-мавзу. Замонавий Осиё мамлакатлари журналистикасининг ривожланишининг қонуниятлари**

Осиё мамлакатлари журналистикасига умумий тавсиф. Осиё мамлакатлари журналистикаси ривожланиши тамойилларининг Европа ва АҚШ журналистикаси тараққиёт йўналишларидан фарқли жиҳатлари. Осиё журналистикасининг бошқа қитъалардаги мамлакатлар журналистикасига нисбатан устунликлари ва камчиликлари.

Осиё мамлакатларида янги ОАВ турларининг ривожланиш тенденциялари. Мамлакатлар ва халқлар ўртасида тинчлик ва ҳамкорликни таъминлашда ОАВ таъсирининг юқорилиги.

Осиё журналистикасида ахлоқнинг ўрни ва аҳамияти. Миллий менталитетнинг журналистикасига таъсири. Бугунги кун Осиё мамлакатлари журналистикасининг умумий тавсифи.

### **2-мавзу. Хитой журналистикаси**

Мамлакатнинг географик жойлашуви, сиёсати ва иқтисодиётига умумий тавсиф. Хитойда ОАВ таъсир кучининг юқорилиги. Бугунги кунда ОАВнинг янгича кўринишлари ривожланаётганлиги. Журналистларнинг эркин фаолият юритиши масалалари.

Бозор муносабатларининг ўсиб бориши ва унинг матбуот нашрлари фаолиятига таъсири. Энг йирик газеталар фаолияти. Журналлар фаолияти, журналларда ихтисослашувнинг ниҳоятда кучлилиги.

Хитойда радио ва телеканаллар фаолияти. Радиоканаллар сонининг ниҳоятда кўплиги. Интернет ва кабелли телевидение тараққиёти.

Хитойда ахборот агентликлар фаолияти. “Синхуа” ахборот агентлиги фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари.

Мамлакатда интернет технологиялари ва онлайн журналистика тараққиёти. Ондайн ОАВ фаолиятининг ўзига хосликлари.

### **3-мавзу. Япония журналистикаси**

Мамлакатнинг географик ўрни ва ўзига хослиги. Жаҳоннинг иқтисодий ривожланган давлатлардан бири эканлиги.

Мамлакатда сўз ва матбуот эркинлигининг конституциявий кафолатланганлиги. Японияда ахборот олиш ва тарқатишнинг ўзига хос усуллари.

Газеталар адади бўйича дунёда етакчи ўринда туриши. Матбуот нашрлари таснифи. Йирик газеталарнинг эрталабки ва кечки турининг мавжудлиги. Бешта йирик миллий газета фаолияти. Матбуотни тарқатишда ўзига хос усуллар.

Радио ва телеканалларга умумий тавсиф. Матбуотнинг машҳур НК телеканаллари фаолияти, бошқарув шакли ва дастурлардаги ўзига хослик. Тижорий телеканаллар фаолияти. ОАВнинг янгича кўринишларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши. Кабель ва сунъий йўлдошли телевидение фаолияти.

Японияда ахборот агентликлари фаолияти. “Киодо цуцин” агентлиги фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари.

Мамлакатда интернет технологиялари ва онлайн журналистика тараққиёти. Ондайн ОАВ фаолиятининг ўзига хосликлари.

### **4-мавзу. Ҳиндистон журналистикаси**

Ҳиндистонда журналистиканинг умумий мавқеи, сўз ва матбуот эркинлиги масалалари.

Ҳиндистон матбуотининг қисқача тарихи. Бугунги матбуотга умумий тавсиф. Реклама ва журналистика муносабатлари. Матбуотда чоп этиладиган нашрларнинг характери ва йўналиши жиҳатидан таснифи. Ҳиндистоннинг кўп тиллиликка ихтисослашган матбуоти. Ҳинду, инглиз ва турли диалектларда чиқариладиган нашрлар. Инглиз тилидаги нашрлар сонининг кўплиги. Энг йирик газета ва журналларнинг инглиз тилида чоп этилиши. «The Hindustan times», «The Hindu» сингари машҳур газета ва журналлар фаолияти.

Ҳиндистонда фаолият кўрсатаётган телерадиокомпаниялар фаолияти. «All India Radio» - бутун Ҳиндистон радиоси (AIR) фаолияти. Ҳиндистон ахборот агентликлари фаолияти, мамлакатдаги энг йирик ахборот агентликлари, янги турдаги ОАВ, интернет фаолияти.

### **5-мавзу. Араб мамлакатлари журналистикаси**

Араб мамлакатларининг географик жойлашуви. Жаҳон ҳамжамиятида эгаллаган ўрни. Мамлакат ОАВ фаолиятининг ўзига хос тараққиёт тенденциялари. Сўз, матбуот эркинлиги ва журналистлар фаолияти эркинлиги. ОАВ фаолиятига оид қонунлар.

Мамлакатда матбуот нашрларининг кенг тарқалганлиги. Миср давлати газета ва журналлари. Араб мамлакатлари матбуот нашрлари тузилиши, характери ва сифатига умумий тавсиф бериш.

Мамлакатда радио ва телевидениенинг ривожланиши. Мамлакатдаги етакчи телерадиокомпаниялар. Мамлакат телерадиожурналистикаси ва мазкур соҳа журналистлари фаолиятига қўйиладиган ўзига хос талаблар.

Араб давлатларида ахборот агентликлари фаолияти. МЕНА агентлигининг Ўрта Шарқ мамлакатларида тутган ўрни.

**6-мавзу: Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари журналистикаси:  
Жанубий Корея, Сингапур.**

Сеулдаги давлат телевидениеси – Кей-Би-Эс. ТВ – филиал «Тонян бродкастинг компани». «Мунхва бродкастинг компани» – давлат телетармоғи. Эс-Би-Эс хусусий ТВ. 1988, 2018 йилги Олимпия ўйинлари. Кей-Би-Эс – хорижий радиоалоқа тармоғи. Сингапурнинг телевизион корпорациялари. Тўрт давлат тилида олиб бориладиган янгиликлар. Оилавий сериаллар.

**7-мавзу. Жанубий-шарқий Осиё мамлакатлари журналистикаси:  
Малайзия, Индонезия.**

Индонезия журналистикаси. Индонезияда араб, немис ва португал тиллари ва бошқа 11 тилдаги эфирнинг ўзига хосликлари

Малайзия телерадиокомпаниялари. Мусулмонлар учун эшиттиришлар. Эшиттиришлар сеткасига Ғарбнинг таъсири. Маҳаллий радиоэшиттиришлар. Рақамли эшиттиришлар яратишнинг истиқболлари. Кино оммавий коммуникация воситаси сифатида.

**8-мавзу. Африка ОАВнинг замонавий кўринишлари**

Африканинг замонавий матбуоти. ЖАР телевидениеси. Давлат телеканалли «Телком». «Джоник» медиакомпанияси. Рақамли, мобил ва йўлдошли алоқа тизими. ЖАР аҳолисининг телевидение билан таъминлаш даражаси. Мамлакатада Интернет ривожини. Оқ танлилар учун «Хайвел», қоратанлилар учун «Укхози» радиостанциялари. ЖАР матбуот ва эшиттиришларида расизм аломатлари. ЖАР ҳақида хорижий ОАВнинг уни талофат ва касалликлар маркази сифатида талқин қилиниши. Миллий ОАВ тизимларини яратиш машаққатлари ва муаммолари. Матбуот ва миллий тилларни шакллантириш муаммолари. Радио ва телевидение тараққиёти. Қатор Африка мамлакатларида ахборот корпорациялари тузиш ва ОАВ концентрацияси.

**9-мавзу. Марказий Осиё мамлакатлари журналистикаси. (Қозоғистон,  
Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон)**

Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон илм-фани ва маданиятига қўшган ҳиссаси. Марказий Осиё мамлакатларида журналистиканинг тарихий тараққиёти. Мазкур мамлакатларда замонавий тушунчадаги журналистиканинг пайдо бўлишида бошқа қитъа, хусусан, Россия журналистикасининг таъсири кучли бўлганлиги. Ҳозирги кунда Марказий а Осиё мамлакатларида журналистика тараққиётининг ўзига хос қирралари.

Ҳозирги даврда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон мамлакатларида ОАВ турлари тараққиётини таъминлаш борасида амал қилаётган ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар, уларнинг журналистлар фаолиятида ҳуқуқ ва эркинликларнинг таъминлашдаги ўрни. Марказий Осиё мамлакатларининг етакчи ОАВ фаолиятига умумий тавсиф.

#### **IV.Семинар машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Семинар машғулотлари учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

- Журналистика атамасининг маънолари эволюцияси.
- Халқаро журналистиканинг пайдо бўлишига сабаб бўлган ташкилий тамойиллар.
- Замоनावий босқичда халқаро журналистикада кенг ёритиладиган мавзулар ва муаммолар
- Журналистика маъноларининг тараққиёти.
- Журналистика тўртинчи ҳокимият сифатида.
- Журналистика элитаси назарияси
- Халқаро журналистика тараққиётининг жадаллашувига туртки бўлган муҳим омиллар.
- ОАВларининг экспорти ва импорти масалалари.
- Халқаро миқёсда ОАВ глобаллашуви тамойилининг намоён бўлиш шакллари.
- ОАВнинг тижорийлашуви тамойилининг ижобий ва салбий жиҳатлари.
- Капитал ва журналистика
- Реклама сиёсий назорат омили сифатида
- Сенсация
- ОАВ иқтисоди ва сиёсатида банклар ва молиявий капиталларнинг роли
- ОАВ монополлашуви ва марказлашуви тамойилининг хорижий мамлакатлар журналистикасида намоён бўлиш шакллари
- ОАВнинг вертикал ва горизонтал концентрацияси
- АҚШ ва Россияда ОАВ монополлашувининг кўринишлари.
- Хорижий ОАВ нинг ихтисослашуви тамойили ривожланган мамлакатлар.
- ОАВ конвергенциялашуви тамойилининг ўзига хосликлари.
- Замоनावий босқичда дунё ривожланган мамлакатлари журналистикаси тизими ва улар тараққиётининг асосий тамойиллари
- Трансмиллий ахборот корпорациялари
- Ҳукумат ташкилотларининг журналистикага таъсир ўтказиш шакллари ва усуллари
- АҚШ матбуоти. АҚШда энг нуфузли нашрлар фаолияти.
- АҚШ радио ва телевидениеси корпорациялари.
- ОАВнинг Европа модели
- ОАВнинг Скандинавия модели
- Буюк Британия матбуоти ва ахборот агентликлари. Буюк Британия ахборот концентрлари
- Буюк Британия радио ва телевидениеси.
- Германия ОАВ нинг замонавий босқичдаги фаолияти. Матбуот эркинлиги концепцияси
- Германия телевидениесининг дуал тизими
- Франция ОАВ фаолиятининг ўзига хосликлари.

- Француз телевидение ва радиоси
- Россия матбуоти ва ахборот агентликлари.
- Россия радио ва телевидениеси.
- Замонавий Осиё мамлакатлари журналистикасининг ривожланишининг қонуниятлари
- Хитой журналистикасининг замонавий манзараси.
- Япония матбуоти ва ахборот агентликлари.
- Японияда матбуот кенгашлари фаолияти.
- Ҳиндистонда ОАВ фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари.
- Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ОАВ тараққиёти.
- Африка мамлакатлари ОАВ ривож
- Араб мамлакатларида ОАВ тараққиёти ва фаолиятининг ўзига хосликлари.
- Ўрта Осиё мамлакатлари журналистикаси тараққиёти. (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон).

Семинар машғулотларини ташкил этиш бўйича кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини қўшимча манбалар маълумотлари билан қиёслаган ҳолда таҳлил этиш асосида бойитиб борадилар. Бунга жамoa бўлиб ишлаш ва мавзуни мустақил тадқиқ қилиш йўли билан эришилади. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмаларни ўрганиш орқали талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, илмий мақолалар ва тезислар чоп этиш орқали талабалар билимини ошириб бориш, мавзулар бўйича тарқатма материаллар, тақдимотлар тайёрлаш ва бошқалар тавсия этилади.

## **V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар**

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Халқаро журналистиканинг пайдо булишига сабаб булган ташкилий тамойиллар.
2. Халқаро журналистикада кенг ёритиладиган мавзуй тамойиллари
3. Журналистика маъноларининг тараққиёти.
4. Журналистика тўртинчи хокимият сифатида.
5. Халқаро журналистика тараққиётининг жадаллашувига туртки булган муҳим омиллар.
6. ОАВларининг экспорт ва импорт масалалари.
7. Халқаро миқёсда ОАВ глобаллашуви тамойилининг ижобий ва салбий жиҳатлари
8. ОАВнинг тижорийлашуви тамойилининг ижобий ва салбий жиҳатлари
9. Хорижий журналистикада ОАВ монополлашуви ва марказлашуви тамойили
10. Бугунги кунда АҚШ ва Европанинг ривожланган мамлакатлари тараққиётида журналистиканинг урни
11. Бугунги кунда АҚШ ва Европанинг ривожланган мамлакатларида жамият ҳаётида журналистиканинг мавкейи



12. АҚШда сўз ва матбуот эркинлигининг бугунги кунда ОАВ чиқишларида намоён бўлиш шакллари
13. АҚШда давлат ва нодавлат ОАВ турлари фаолияти
14. Буюк Британияда ихтисослашган ОАВ фаолияти
15. Германияда йирик ОАВ концернлари.
16. “Немис тулқини” халқаро телерадиоҳизмати фаолиятига тавсиф.
17. Франция матбуотини молиявий-иқтисодий назорат қилиб турувчи монопол гуруҳлар.
18. Француз журналларининг ўзига хосликлари.
19. Россияда давлат ва нодавлат ОАВ тараққиёти
20. Россия матбуотининг мураккаб тизимли объект сифатида.
21. Россия радио ва телевидение соҳасида мулкчилик шакллари, дастурларининг хилма-хиллиги ва узаро рақобат масалалари.
22. АҚШ ва Европа мамлакатларида Интернет, матбуот хизматлари, реклама ва бошқа агентликлар фаолияти.
23. Бугунги кунда Осиё қитъасининг ривожланган мамлакатлари тараққиётида журналистиканинг ўрни
24. Осиёнинг бир қатор ривожланган мамлакатларида жамият ҳаётида журналистиканинг мавқеи
25. Хитойда журналистика тараққиётининг ўзига хос кўриниши
26. Ҳиндистонда аҳолини ахборот билан таъминлашнинг мураккаб жиҳатлари.
27. Ҳиндистонда ихтисослашган ОАВ фаолияти
28. Япония матбуот нашрларининг кенг тарқалганлиги.
29. Араб мамлакатларида журналистиканинг демократик тамойиллар асосида ривожланиши масалалари
30. Марказий Осиё мамлакатлари журналистикаси янгича иқтисодий муҳитдаги тараққиёти.
31. Осиё мамлакатларида Интернет хизматининг ривожланиши.
32. Миср давлати газета ва журналлари.
33. Осиё мамлакатлари журналистикасида янги технологиялар ва жаҳон илм-фанидаги янгича техникалар, иқтисодий, ижтимоий қарашларнинг кенг қўлланилаётгани.
34. Осиёнинг йирик ОАВ концернлари.
35. Осиё мамлакатлари журналистикасида демократик йуналишларнинг ривожланиши

## **VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари**

### **Асосий адабиётлар**

1. Муминова Ф. И. Современная международная журналистика. Т., 2016.
2. Муминова Ф.И. Журналистика стран Азии. Т.: НУУз. 2003.
3. Назаров М.М. Массовая коммуникация в современном мире. М.: «Едиториал УРСС», 2003.
4. Мўминов Ф. А., Нурматов А. ва бошқ. Жаҳон журналистикаси тарихи, Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2008.

5. Михайлов С.А. Современная зарубежная журналистика: правила и парадоксы. Учебное пособие. СПб: Изд-во Михайлова В.А., 2002.

### **Қўшимча адабиётлар**

1. Андрунас Е. Ч. Информационная элита: корпорации и рынок новостей/ Е. Ч. Андрунас. –М., 1991.
2. Гейтс Б. Дорога в будущее / Б.Гейтс.–М. 1996.
3. Голядкин Н. А. История отечественного и зарубежного телевидения/ Н. А. Голядкин.–М., 2004.
4. Майн Х. Средства Массовой информации в Германии. UVK. Medien. 2000.
5. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Т.: ТошДУ. 2002
6. Фихтелиус Э. Радио ва телевидение журналистикаси асослари. Журналистиканинг 10 қоидаси.Т.: Шарқ, 2002.
7. Brian S. Kennedy G. Moen D. Ranly D. News Reporting and Writing. 7th Edition, Columbia. University of Missouri. 2002.
8. Mencher M. M. News Reporting and Writing. Seventh Edition. Columbia: Columbia University Press. 1997.
9. The International World of Electronic Media. Edit. Gross L. S. Cal. McGraw-Hill, Inc. 1995.

### **Интернет сайтлари**

1. [inosmi.ru](http://inosmi.ru)
2. [inopressa.ru](http://inopressa.ru)
3. [vitaweb.jino-net.ru](http://vitaweb.jino-net.ru).
4. [www.journalism.ru](http://www.journalism.ru)
5. [www.mediasprut.ru/public/internet](http://www.mediasprut.ru/public/internet)
6. [www.citforum.ru](http://www.citforum.ru).
7. [www.case.nnov.ru](http://www.case.nnov.ru).
8. [www.hi-edu.ru](http://www.hi-edu.ru).
9. [www.opennet.ru](http://www.opennet.ru).
10. [www.telemultimedia.ru](http://www.telemultimedia.ru)